

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th June - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ПАХТАНИ ТАШИШ ЖАРАЁНИДА ЧАНГДАН ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ

Ассистент О. А. Салимов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мазкур мақолада пахта тозалаш корхоналарида пахтани ташишда майда ифлослик ва чангдан тозалаш жараёнини ўрганиш ва олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

В данной статье представлена информация по изучению процесса очистки от мелких примесей и пылей при транспортировке хлопка на хлопкоочистительных заводах

This article provides information on the study of the process of cleaning from small impurities and dust during the transportation of cotton at ginneries

Пахтани дастлабки ишлаш жараёнининг барча босқичларида кўп миқдорда майда ифлосликлар чанг кўринишида ажралиб чиқади, бу чанг ишлаб чиқариш бинолари ва атмосфера ҳавосини ифлослантиради, ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини ёмонлаштириб, уларнинг касалланишига олиб келиши мумкин. Пахта тозалаш корхоналарини чангсизлантириш масаласи, машинада терилган пахтани ифлосланишини ошиши муносабати билан биринчи даражали аҳамият касб этмоқда [1].

Пахтани машинада териш жорий этилиши билан пахта тозалаш корхоналарида пахтани қабул қилиш, ҳосилни сақлаш ва қайта ишлаш технологик жараёнини такомиллаштириш билан бирга, чангсизлантириш ва атмосферага чиқаётган ҳавони тозалаш тизимларини такомиллаштириш тақозо этмоқда [2].

Ҳозирда чанг ушлаш тизимининг асосий камчиликларидан бири, бу толали материалларни йўқолиши ва чанг ҳавони атмосферага чиқиб кетишидир. Чанг ҳавони атмосферани зарарлаши СанПиН 0246-08 Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш пунктларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг санитария меъёрлари ва қоидаларига асосан ҳар бир корхонадан чиқаётган чанг концентрациясини текшириб турилади.

Пахта тозалаш корхоналаридан атмосферага чиқаётган чангнинг



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th June - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

концентрациясини аниқлашнинг бир неча (калориметрик, индикацион, оптик, электр ҳамда стандарт ёки гравиметрик ва бошқа) усуллари мавжуд бўлиб, булардан энг қулай ва пахта соҳасида фойдаланнладиганп стандарт усулидир. Атмосферага чиқариладиган барча ишланган ҳаво икки турга бўлинади: технологик ва аспирация. Биринчиси - технологик машина-ускуналардан, иккинчиси - чангсизлантириш тизимларидан чиқади.

Пахта қуритгичда ишлатилган ҳавонинг миқдори 6-8 m³/s, ва ишлатилган ҳаводаги чангнинг миқдори, 1700-2000 mg/m³ ни ташкил қилади [3].

Қуритгичда қуритилган пахта ва ишлатилган қуритиш агенти билан бирга ҳавога майда ифлосликлар ва чанг заррачалари чиқади. Қуритиш бўлинмаларида ҳавога ишланган қуритиш агенти билан бирга чиқадиган чанг миқдорини меъёрдан ортиб кетишига олиб келади [4].

Шунинг учун қуритгичларда қуритилган пахтани ташишда майда ифлослик ва чангдан тозалаш масалаларини ўрганиш учун тажрибалар белгиланди.

Пахта тозалаш корхоналарида пахтани ташиш майда ифлослик ва чангдан тозалаш қурилмасида атмосферага чиқиб кетаётган чангнинг концентрациясини аниқлаш бўйича Экология қўмитаси билан биргаликда амалий ишлар олиб борилди.

Тажрибалар корхонани технологик жараёнида ўрнатилган 2СБ-10 қуритиш барабанидан чиққан пахта ташиш ва тозалаш қурилмаси берилади ва ажратилган майда ифлослик ва чанг ЦС-6 русумли чанг ушлагичларда тозаланади. Ажралиб чиқаётган майда ифлослик ва чанг заррачалари миқдори Реометр асбоби ёрдамида аниқланди.

Реометр асбоби ишга тайёрланиб, намуна олувчи материал ҳисобида АФА фильтрини оламиз. Бу фильтр жуда майда чанг заррачаларини ҳам яхши ушлаб қолади, аэродинамик қаршилиги кам, бу эса катта ҳажмда (100 л/мин гача) ҳавонинг ўтишига имкон беради.

Реометр асбоби сўрилаётган ҳаво ҳажмини ўзгартириш имконини берувчи тўртта диафрагма билан таъминланган.

Қурилмалардан ажралиб чиқаётган майда ифлослик ва чанг заррачалари миқдори Реометр асбоби ёрдамида аниқланди. Тажриба натижалари бўйича пахта хом ашёсини ташиш ва тозалаш қурилмасида майда ифлослик ва чанг заррачаларидан тозалаш самарадорлигининг пахтадаги ифлослик ва



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th June - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

пахтанинг намликлар даражалари ва қурилманинг узунлигига боғлиқлигини баҳолаш учун статистик тадқиқот олиб борилди.

Пахтани ташиш ва тозалаш қурилмасида ўтказилган ва тажриба натижалари пахтадан майда чанг заррачаларини ажратиш ҳисобиغا атмосфера ҳавосини яхшилаш имконияти борлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Зикриёев Э. Пахтани дастлабки қайта ишлаш технологияси. Тошкент, 2002. – 258 б.
- [2] [7] Сабиров И., Парпиев А., Салимов А., Касимов О., Салимов О. Патент № FAP 02074 Пахта териш машинаси. 30.09.2022
- [3]. Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси (ПДИ 70 - 2017), Тошкент “Пахтасаноат ilmiy markazi” АЖ - Тошкент, 2019 й., 45 б.
- [4] Салимов О.А., Сабиров И.Қ., Салимов А.М., Хамидов О. “Пахта тозалаш корхоналарида чангсизлантириш масалалари”. ФарПИ илмий-техника журнали 2022. № 5.-239 б. ISSN 2181-7200.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings

